



2(46)-сон,  
2017 йил, февраль

# ЦЮДІЙ РАВОЗ



O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy, axborot gazetasи



Навоий ҳақида гап ёзиши керак

## НАВОЙНИНГ БАШОРАТЛАРИ

Буюк мутафаккир шоир, қомусий билимлар соҳиби Мир Алишер Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишилаган.

Навоий тил, адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп қимматли илмий асарлар, 30 дан ортиқ йирик бадиий асарлар ёзди.

Алишер Навоий “Хамса” сининг тўртингчи достони “Сабъай сайдер” да эскалатор ва лифт ҳақидаги фаразларни ўқиган машҳур шарқшунос олим Бергэлс ҳам ҳайрат оғушида қолганини яширгмаган экан.

Поялар мақдамида бўлгай паст,  
Айлагай бир-бира юзига нишааст.  
Чун секиз поя қат бўлди тамом,  
Айлагач шоҳ ўз ерида — мақом.  
Яна ул поялар баланд ўлгай,  
Тахтидин шоҳ баҳраманд ўлгай.  
Ким, қаён шоҳ бўлур нишотангез,  
Оз ишорат била югургай тез.

Маъноси шундай: “Шоҳ бу таҳтга чиқадиган бўлса, пиллапоялар унинг қадам қўйиши учун пасайиб, бир-бирининг устига ётади. Шоҳ шу саккиз поянинг ҳаммасини босиб ўтиб, ўз таҳтига ўтиргач, у зиналар яна баланд кўтарилади. Шоҳ қай тарафга қараб ўтиришни хоҳласа, озгина ишорат кифоя. Таҳт ўша тарафга қараб айланади”. «скалатор ҳақида гап кетганига шубҳа йўқ. Кўриниб турибдики, шу жойда автомобилга ҳам ишора бордек.

Ҳар байти мўъжизага менгазулик сатрларидан илоҳий донишмандлик уфуриб туради. Масалан, манзималарида даври учун бутунлай бегона бўлган турли тимсоллар

учрайдики, гўё Навоий тафаккур ғалаёнида бунёд бўлган илмий кашфиётларини, башоратлари ва фаразларини сатрлари қатига сингдириб юборгандек. Шоирнинг гўзал газалларидан бирида шундай сатрлар бор:

Хилъатим то айламиш жонон қизил, сариг, яшил,  
Шуълаи охим чиқар ҳар он қизил, сариг, яшил.  
Шишадек кўнглимдадур гулзори ҳуснинг ёдидин,  
Тободонинг аксилик алвон қизил, сариг, яшил.

Ғазалда инсон руҳий ҳолаталари нозиклиги, сирлиги, ташқи дунё ва одам сурати билан ўйғунликда экани ўта нозик ҳолатда тасвирланган. Шоир танлаган уч ранг — қизил, сарик, яшил ўзининг турли товланишлари билан намоён бўлади. У гарчи ёр тавсифига бағишиланган бўлсада, юқоридаги сатрларни ўқиб, сизнинг ҳаёлингизда ҳам бугун бутун дунёда машиналарни қатновини тартибга солиб турган **светофор** гавдаланганига шубҳа йўқ.

Демакки, буни светофорга ишора деб тушунсан бўлади. Тўғри, бир қарашда бу ғазал билан светофорнинг бир-бирига умуман алоқаси йўқдек туюлади, аммо ранглар силсиласи уларга юкланган вазифа иккисини бир-бирига боғлаб турганини илғаш у қадар қийин эмас. Маълумки, қизил ранг тақиқ белгиси, ёр дастлаб ошиқнинг севгисини рад этади, ноз қиласи. Сариқ ранг тайёргарлик, ошиқнинг ранги сарғайиб фифони кўкка урилавергач, жононанинг кўнгли ҳам унга илий бошлайди. Яшил ранг — бу йўл очиқ дегани. Ғазалда ҳам ёр турфа ранглардаги кийимларда кўриниш бериб, ошиқнинг кўнглини эзади. У яшилликка буркангандан васл айёми бошланиди. Зоро, Навоий байтларида илк бор намоён бўлган бу рамз — светофор Америкалик олим Гаррет Морган томонидан 1916 йилга келибгина кашф қилинди.

### ЎЗБЕКИСТОН

Бу дунёning жаниатини излаб кўрдим,  
Тополмадим сендайин бир ҳур гулстон.  
Донги кетган ўша катта шаҳарлардан  
Энг гўзали сен экансан, Ўзбекистон!

Узоқлардан сўраб келди мусоғирлар,  
Топиб беринг биз излаган чаманистон.  
Таърифингни узоқ излаб айтиб бердим,  
Мана ўша сиз излаган Ўзбекистон!

Қайга бормай қувнар қалбим эслаб сени,  
Ҳар қадамда босган изим болу бўстон.  
Кўзларига суртар халқинг тупроғингни,  
Суйиб бизни эркалайсан Ўзбекистон!

Керак бўлса, жоним фидо ватан учун,  
Сенинг учун яшнагаймиз гул-гулстон.  
Чунки, сен ҳам бизлар учун яшаясан,  
Ишончинги оқлагаймиз Ўзбекистон!

Илёсхон ИБРОХИМОВ,  
“Мусиқали театр актёrlиги”  
бўлими 2-боскич талабаси,  
“Камолот” ёшлар ижтимоий  
ҳаракати фаол аъзоси.

Анвар ҚОДИРОВ,  
фалсафа фанлари  
доктори, “Ижтимоий-гуманитар  
фанлар”  
кафедраси профессори

### МАЊАВИЙ ОГОҲЛИК – “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”- НИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИГА ҚАРШИ МУҲИМ ВОСИТА

Бугунги кунда жаҳонда нафакат ҳарбий ва сиёсий, балки маданий ва маънавий етакчилик учун муросасиз кураш кетмоқда. Бу курашда турли ахборот воситаларидан ташқари қатор маданий ва маънавий воситалардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ана шундай воситалардан бири — турли урфодатлар, анъана ва удумлардир. Инсон қалбини, онгу шуурини эгаллашда, уни турли ғоявий қадриятларга ром қилишда турли “зamonavij” одатлар, хулқ-атвор намуналари самарали таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, уларнинг нишони ҳали ҳаёт тажрибасига етарли даражада эга бўлмаган, бироқ ҳар қандай янгиликни илғаб олишга интилувчан, қизиқувчан бўлган ёшлар бўлиши ташвишларидир. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимиз маънавий ҳаётида катта ўрин олган ва ҳаётилизнинг ўзига хос дастурламалига айланишга ултурган “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бу ҳақда шундай дейди:

Анвар ҚОДИРОВ,  
фалсафа фанлари доктори, “Ижтимоий-гуманитар  
фанлар” кафедраси профессори

## МАЛННАВИЙ ОГОХЛИК ~ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ЗАРАРЛАИ ТАЪСИРИГА КАРШИ МУҲИМ ВОСИТА

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

“Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қаравашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.

Агар етарли ва ўз вақтида англанган маънавий огохлик бўлмаса, бундай таъсирларнинг зарарли оқибатини ҳеч нарса билан, дарҳақиқат, қоплаб бўлмаслиги аниқ.

Ана шундай заарали таъсирлардан бири ҳар йили Фарбда ёшлар томонидан 14 Февраль куни кенг нишонланадиган “Валентин куни” удуми ва байрамидир. Шу куни ёш йигит-қизлар, талабалар, севишганлар бирбиirlарига гуллар, турли совғалар ҳадя қилишади, севгиларни изҳор қилишга кўпчилик қатори имкон топгандай бўлишади. “Валентин куни” – Farb “оммавий маданияти”нинг кўринишидир.

Бугунги ахборотлашув даврида, интернет тўрининг ёшлар онгини тўла-тўкис камраб олиб, ҳар оҳангга нағма қилишларини устамонлик билан бошқараётган паллада “оммавий маданият” кўринишидаги “Валентин куни” нишонлаш ҳам аста-секин одат, анъана тусиға кириши, шу муқаддас ойда ҳалқимизнинг муҳим маънавий байрами – ҳазрат Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари байрамига соя тушиши мумкин. 9 февраль Алишер Навоий таваллуд топган куни бўлса, 14 февраль яна бир буюк сиймо – Захириддин Муҳаммад Бобур дунёга келган кундир.

Хозирги демократиялашаётган, тобора либераллашаётган жамиятда қайси бири муҳим ва хаётый, деган савол туғилади. Бундай шароитда таъқиқ ва таъқиб қилиш самарасиздир. Чунки истаса эркин фуқаро ўз удуми ва эътиқодини хуфёна амалга ошириши мумкин. Инсонни маънан қулга айлантириш бу шароитда мушкулиш. Муаммони ҳал қилишга Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов олға сурган ечим – “Фояга қарши фоя, жаҳолатга қарши маърифат” фояси ўринлидир. Жоҳил инсон-

ни фақат маърифат, илм, замонавий тилда тўғри “маълумот”, “ахборот” воситасида тарбиялаш, тўғри йўлга солиш мумкин. Агар ушбу ишончли фоя ва кўрсатмага риоя қилмоқчи бўлсак, қуидаги савол туғилади: “Хўш, Валентин ким? Нима учун у “муқаддас” ва байрам тарзида нишонланади?” “Валентин куни”ни айрим ёшлар у туғилган кун, деб ҳам ўйлашади. Шунинг учун масалага ойдинлик киритиш, “Муқаддас Валентин куни” байрами, уни қандай пайдо бўлгани ва сабаблари хақида маълумот бериш санъат ва маданият соҳасининг бўлгуси мутахассислари учун ўринли ва фойдали, деб ўйлайман. Фикримча, бундай маълумот барча учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Аслида, Валентин риёкор, муттаҳам, қонун-қоидани менсимайдиган, ўз билганидан қолмайдиган тарихий шахс. У эрамизнинг бошида яшаган. Эрамизнинг дастлабки ўз йиллигига Қадимги Рим империяси нафақат насронийлик дини, унинг турли йўна-

бати билан эмас, балки унинг пинҳона севгиси ва севгилисига ўлими олдидан қолдирган бир парча қоғозга битилган мактуб сабабли нишонлана бошланди. Гап шундаки, Тернадский ҳибсда сақланаётган қамоқхона назоратчиси епископнинг табиблиқдан ҳам хабардор эканлигини билиб ноилож туфма кўзи ожиз ягона қизини унинг олдига олиб киради, ундан даволашни илтижо қиласди. Таажжубки, мўъжиза юз береб кўзи ожиз қиз кўра бошлияди ва у ўз халоскорини севиб колади. Бироқ бу севги қиска ва баҳтсиз, истиқболсиз эди. Епископ Тернадский ўлими олдидан ўз маҳбубасига “Сизнинг Валентинингиз” деган хотира учун қиска мазмунда мактуб қолдирди. Бу воқеа ҳалқ орасида тарқаб, 14 февраль куни епископ Валентин Тернадский қатл қилинган кун эмас, балки Рим ёшлари томонидан “севишганлар куни” деб нишонлана бошлади. Бу вақт ўтиши билан анъанага айланиб, оммавий байрам мақомига етди. Рим католик черкови Валентинни “авлиё” даражасига кўтарди ва ҳар йили 14 февраль “авлиё Валентин куни” деб кенг нишонланада бошлади. Тез орада Валентин Ромео ёки Мажнун каби ишқ, муҳаббат рамзи, образи каби ҳалқ орасида танилиб кетди. Фарбда бугун ҳам “Валентин куни” нишонланади.

Қиссадан ҳисса шуки, бундан бехабар ёшлар, айрим талабала-римиз адаб Сайд Аҳмад ибораси билан айтганда “нимаики Фарбча бўлса, уни ҳўрзозқанд каби ёнбошлаб ялайверади”, билиб-билимсандан ҳалқимиз маънавиятига батамом бегона бўлган насронийча байрамни нодонларча нишонлайдилар. Бу – ўта кетган ахлоқсизлик ва маънавий қабоҳат қўринишидир. Шу ўринда яна бир бор ёш авлодни маънавий тарбияси долзарб масала эканлиги ҳақида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Хозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскениллик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар буғунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоқазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб олмоқда”, деган пурмално сўзларини эслаш кифоя. Маънавий огохлик – турли фоявий ва маънавий хавфлар ва хуружлардан сақланиш учун муҳим қалқон ва куролдир.

## НАВОЙИНГ БАШОРАТЛАРИ

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Навоийни ҳалқлар дўстлиги фоясининг улуг кўйчиси десак, адашмаймиз. У турли ҳалқ ва миллат вакилларини са-мимият билан севади, уларни ҳурмат қиласди. Унинг қайси бир асарини олманд, турли ҳалқ вакиллари образига дуч келасиз. Унда уларнинг дўстлик, биродарлик фоялари жўшқин ифода этилганини кўрамиз. Унинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам ҳалқлар дўстлиги фояси илгари сурилган. Бу фоя айниңса, достоннинг турли миллат вакилларига тааллуқди уч ижобий образ – Фарҳод, Ширин ва Шопур образларида ёрқин ифодаланади. Қолаверса, мазкур асарда Фарҳоднинг арман миллатига мансуб, ҳусн ва чиройда тенги йўқ Ширинни сандиқ ичидан чиқкан ойинаи жаҳон, яъни кўзгуда қўриб, унга ошиқу – беқарор бўлиб қолиши, айни кунда ойинаи жаҳон (телевизор) орқали, компьютер ва интернет технологиялари воситасида жаҳон янгиликлари, бутун дунёни кўз ўнгимизда қўриб туришлик, эҳтимол Навоий даври башорати бўлса, ажабмас.

Шунингдек, Ҳазрат Навоий ўзининг барча асарлари орқали ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, ибрит (яхудий), юонон, сурё (араб), хинд

тилларини ўрганишга даъват этган бўлса, бугун ёшлар олдида ўз она тили – ўзбек тили билан бирга, инглиз, рус ва

бошқа жаҳон тилларини ҳам ўрганиш вазифаси қўйилмоқда.

Бугун дунёда баъзи ҳалқлар, давлатлар ва миллатлар орасида бўлаётган турли можаролар, биродаркушлик урушларининг олдини олиш, ҳалқларни дўстликка чорлаш фояларини ҳам шоир олдиндан башорат қилгандек туюлади. Зоро, инсонни барча жонзорлар ичидан Оллоҳ латиф этиб яратган, шунинг учун бир-бirimizни улуглаб яшашга чорлайди.

*Барчасини гарчи латиф айладинг,  
Барчадин инсонни шариф айладинг.*

Миллати, элатидан қатъи назар, барча инсон дунёда эркин яшаши керак деган фоя шоир ижодининг асосини ташкил этади.

Алишер Навоий миллатимиз қўёши. Биз яшаб, умргузаронлик қилиб турган оламда Қуёш битта, у бетакрор ва сўнмас бўлгани каби Алишер Навоий ижоди ҳам завол билмас Қуёш каби дунё аҳлини ҳамиша баҳраманд қиласди. Навоий асарлари ўзбек адабий тили ва миллӣ адабиётимиз ривожининг асосини белгилаб берибтина қолмай, ҳалқимиз маънавий олошининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳазрат Навоий мероси гўёки муаззам уммонга ўхшайди, уни ўрганиш ҳар бир инсонни илҳомлантириб, аҳлини теран, фикрини тинклиштиради, тафқуруни юксалтиради.

Алишер Навоий ижоди битмас-тутанмас хазинадир, унинг сиймоси олдида ҳамиша таъзимдамиз.

*Муҳаррам БОЗОРОВА,  
“Саҳна ва экран санъати  
драматургияси” 2-босқич талабаси.*





## “А” дан АРМгача

(блиц-интервью)



“А” бинодан чиқдим. Кутубхонага кетяпман. Ҳаёлимдан бир фикр кечди: ўз ижоди билан андармон бўлиб юрган талабалардан тўсатдан Навоий ва Бобур боболаримиз ҳақида сўраб қолишиша қандай жавоб беришар экан? Буни синаб кўрмоқчи бўлдим. “А” бинодан кутубхонагача бўлган оралиқда кўрган кишимдан боболаримиз ҳақида сўрай кетдим. Шундай қилиб, саммий блиц-интервью яралди. Буни сизларга ҳам улашдим:

— Алишер Навоий ва Бобур газалларининг адабиётдаги ўрни ҳақида нима дея оласиз?

— Алишер Навоийни газал мулкининг сultonи десак, Мирзо Бобурни бемалол рубоий мулкининг сultonи деб айтишимиз мумкин. (*Абдурауф Абдуллаев, маданиятшунослик йўналиши 1-курс магистранти*)

— Навоий газалларининг оҳангдорлиги сизни ҳайратга соладими?

— Албатта, Навоийнинг барча газалларини ашула қилиш мумкин, муҳими газалдаги сўзларни бузиб ижро этмаслик. (*Сардор Шакаров, касб таълими: чолгу ижрочилиги, 1-курс*)

— Ҳазрат Навоий ва Бобур Мирзосиз ўзбек адабиётини қандай тасаввур қиласиз?


— Агар ўзбек адабиётини бир дараҳт деб олсан, унинг бақувват илдизлари Ҳазрат Навоий ва Бобур боболаримиздир. Илдизлари мустаҳкам дараҳт бақувват бўлади. (*Яҳён Мўминов, Саҳна ва экран санъати драматургияси йўналиши, 2-курс*)

— Бобур газалларининг оҳангри ҳақида фикрингиз қандай?

— Бобур асарларида оҳангдорлик ўқ бўлган бирор мисра ҳам учрамайди. Шунинг учун газаллари эстрада жанрида ҳам куйлаб келинади. (*Донаев Мурод, чолгу жамоаларига раҳбарлик йўналиши, 2-курс*)

— Мақомларда Навоий газалларининг ўрни ҳақида нима дея оласиз?

— Навоий бобомиз нафақат адабиёт мухлислари учун, балки мақом мухлислари учун ҳам севимлидир. Бевосита бобомизнинг газалларини ижро этган ҳофизларнинг ҳам савијаси баланд бўлади. (*Ферузбек Гаффоров, халқ ашула ва рақс ансамбларига раҳбарлик бўлими, 2-курс*)



— “Қоши ёсинму дейин”, “Қаро кўзим”, “Эй сабо”, “Кўшчинор” каби ашулаарни севиб тинглайман.

(Зикрило Нормуродов, касб таълими: чолгу ижрочилиги йўналиши, 1-курс)

— Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар сизга қандай тавсир қиласиди?

— Рус академик драма театрида “Хамса” асари асосида спектакль қўйилди. Афзал Рафиқовнинг газал ўқиши мени ҳайратга солди. Мумтоз адабиётга қизиқишим ошди. Шундан кейин газалларни ёд оладиган бўлдим. (*Сардор Ҳасанов, драматик театр ва кино актёрлиги йўналиши рус гуруҳи, 1-курс*)

Шу билан кутубхонага кирдим. Кўпчиллик талабалар Ҳазрат Навоий ва Бобур газалларини қўлида кўтариб юрганини кўриб қувондим. Кўз тегмасин...

Шавкат  
ДЎСТМУҲАММАД  
суҳбатлаши

— Бобур ҳаётига багишланган асарлар ҳақида фикрингиз қандай?

— Мактаб пайтида “Юлдузли тунлар” романи асосида спектакль қўйганмиз. Ўшандан буён бу асарни севиб ўқийман. (*Муҳаррам Содиқова, овоз режиссерлиги йўналиши, 4-курс*)

— Мумтоз ашулаар орасида Навоий газали билан ижро этилган қайси ашулаарни севиб тинглайсиз?

Одамлаф қитоб ўқишдан тўхтасаллаф, фикрлашдан ҳам тўхтапай-диллаф, деган эди фанъасуфладан бири. Адабиёт дағсида тоғифидаги иш хаёлимни келди. Ўқитувчиимиз бифор қитоб ўқидиларини, унни албапта таҳзил қилинлаф, ўз фикрларини билдириллаф, зозир ани таъфтига тўплан пайтлашини, булақа фурсат бошқа келмайди, дедиллаф. Яна хаёл олиб қолди.

... Абиму奋进тилк пайтлашинида мақтаб ва қоллеж дағликларида Навоий ва Бобур асарларидан пафталарни севиб ўқири, ўқиши кирсан бу асарларни албапта тўплар мушсала қилилан деб қўнишила шуғардим. Қани ўша шиғоат? Ифода кетяпман, қуловим остида ўзим ўғун ҳадрли ва устиз деб билган инсоннинг “Бозорга борсанга нафса оласан, пул берсанга сенга қайтим бефшади. Умрда ни? Умрда қайтим бефилмайди”, деган сўзлари жағанилашадек бўлди. Чўйиб шуғордим. Мен ҳалим ухлаётлан экамман. “Эртанини кун бунгудан, келаражак ҳозирдан бошланади!” Демак, мен зозир ўйлоништим кефак. Қўниб ўқишиш ва фикрлашим зарур.

Қадрли қадрот, агар ухлаётлан бўлсаниз, тизроқ үйлонини, ўппан умриниизга назар солиб, фикр топини. Нимадағи үлгурдини? Нимадаидир қўнишиниз тўғималашими? Унда илм олиши шошилинг. Зеро, Мирзо Абдулходир Седил аштанидек:

Фикрсиз ажлнини занни бўлади,  
Илм-ла зиёла, яни бўлади.

Онлабан ибрат ол: бири кун афти масани,  
Устиди бир энлик занни бўлади...


Муҳиба ИСМАТУЛЛАЕВА,  
ЎзДСМИ талабаси

## “ХАМСА” (“ПЯТЕРИЦА”) АЛИШЕРА НАВОИ

Основной поэтический труд Навои - “Хамса” (“Пятерица”). Жанр “Хамса” возник в XII веке, основоположником его явился великий азербайджанский поэт Низами Гянджави (1141-1209). Он объединил в единое произведение пять поэм, пять самостоятельных художественных единиц: “Сокровищница тайн”, “Хосров и Ширин”, “Лейли и Меджнун”, “Семь планет”, “Искандар-наме”. Они различны по событийному содержанию, но объединены идеальным содержанием, единым пафосом.

Низами заложил основы традиции создания “Хамса”: первая поэма -морально-дидактическая, вторая, третья и четвертая - любовно-романтическая, а пятая - условная биография А.Македонского, прозванного на Востоке Искандером. Последователями Низами были Амир Хосров Дехлеви и Джами.

Под непосредственным влиянием Джами создает свою “Хамсу” А.Навои. Поэт выра-



зил в ней свой жизненный и творческий опыт художника, мыслителя, политика. В отличие от предшественников он старался приблизить читателя к реальному восприятию мира, привить ему “земной вкус”.

Изучая мастерство предшественников, Навои стремился приблизить свое творение к жизни и ее запросам:

“Преданья эти - плод седых веков О них писали Низами, Хосров. Основой взяв, я перестроил их:

Я жизни больше влив в героев их”.

Два с небольшим года (с 1483 по 1485) понадобилось ему, чтобы сотворить это литературное чудо. Рукопись “Хамсы” Навои дошли до нас, есть даже прижизненные экземпляры в Институте востоковедения АН в г. Ташкенте.

Хамдам ИСМОИЛОВ,  
доцент, кандидат  
филологических наук

Зебо Худойбердиева,  
“Саҳна ва экран санъати  
драматургияси” йўналиши  
2-босқич талабаси



БЎЛМАСА

Гул надир, япроқ надир гулбарги хандон бўлмаса,  
Дил надир, кўнгил надир осуда осмон бўлмаса?

Айлануб ҳайронадирман кўхна ишқ бозорида,  
Ҳар неки мулки кўнгилдир бунча арzon бўлмаса?

Ишқ ахир тансик эрур азоб-у қийноқ билан,  
Қайс магар топгаймиди эътибор, сарсон бўлмаса?

Савдои ишқ қоматинги эгса эллинг эрмаги,  
Ким боқур ул оғочгаким, қадди ларзон бўлмаса?

Айб этмангиз Зебо бугун ишқ учун ёзмиш қўшиқ,  
Кўзда ёш маржон-у шеърда фикри маржон бўлмаса.

“Юлдузли тунлар” романни атоқли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг “Дийдор” театр-студиясида ўзгача талқинда, фалсафий мазмунга бой тарзда томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Залга кирар экансиз, мунгли куй ва сувнинг оҳиста шилдираф оқаётгани эшитилиб туради. Кўшиқ мазмунни сизни спектакль руҳиятига секин-асталик билан олиб киради. Сувнинг шилдираған овози томошабинларни ҳаёт сувдек оқиб ўтвучи эканлиги ҳақида ўйлантиради. Бутун зал куроқдан тикилган ҳаридатда Бобур яшаган мамлакатларнинг тасвирини кўриши мумкин.

Алишер Узоқов гавдалантирган Бобур образи табиатдан дард ила туғилган, хаёллари саркаш, исёнкор руҳиятили шахс бўлиб тасаввурга сингади, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида инсоний изтироб, қайгу-ҳасрат, юрт соғинчи, ҳижроназоблари шундокқина кўриниб туради. Спектакль давомида Бобур тақдирнинг жуда кўп синовларини бошдан кечиради. Шулардан бири Зухробегимнинг хиёнати сабаб Шайбонийхон күтқуларига қарши курашса, ёвуз хукмдорнинг қамал вақти опаси Хонзодабегимни ўз никохига сўраб нома йўллаши Бобурнинг ўртангандан қалбини янада баттар ўтайди. Бобур бундай оғир дамда ўз дардларини, аламли кечинмаларини ўз ғазаллари орқали ифодалайди:

### КУМУШОЙНИНГ АРАВАСИ

Гул-чечаклар сочади ифор  
Фасли висол арафасида.  
Чайқалганча боради баҳор  
Кумушойнинг аравасида.

Ашт дашибидан таралар рўё,  
Сойлар кумуш нур сепар гўё,  
Аравага ой тушганми ё  
Кумуш ойнинг аравасида.

Тараффудда йўл қарайди бек  
Йўлга пешвоз чиқолмайди лек,  
Ўзбекойим, ойимлар ўзбек  
Кумушойнинг аравасида.

Чарх уради қалдирғоч пастлаб,  
Вижирлайди кўнгилни гашлаб.  
Ҳижрон босар қамчи, йўл бошлаб  
Кумушойнинг аравасида.

Зайнабхоним уйгониб сахар,  
Кўз ёш қўшиб тайёрлар заҳар,  
Мен ҳам бирга бўлсайдим, агар  
Кумушойнинг аравасида.

От ёлига ёпишар эдим,  
От ўйлига ё тушар эдим,  
Она, қайт, опажон, дердим  
Кумушойнинг аравасида.

### РЎМОЛ

Бирдан қўлимдан юлқиб,  
Олиб қочди-ю шамол.  
Янги ой ўргига,  
Ишлиб қолди рўмол.

Рўмолим кўп аслида,  
Кетаверсан бўларди.  
Лекин безори шамол,  
Қах-қах отиб куларди.

Кетсам агар гуланиб,  
Рўмолимни олади.  
Ёр ўйлига ташласа  
Кейин нима бўлади?

Рўмолим кўп аслида  
Бу ағёрнинг говғаси  
Шамол гувоҳ бу рўмол  
Севгилимишинг совғаси.

Яшнайми шамолга,  
Ё бепарво кетайми?  
Таъзирини берсинми,  
Рашкчи ёрга айтайми?

Бош чайқайди қари тол  
Ўмбалоқ ошар шамол.  
Янги ой ўргига  
Хилтираб турар рўмол.

## “Юлдузли тунлар” спектакли “Дийдор” саҳнасида

Чархнинг мен кўрмаган жабру  
жафоси қолдиму?!  
Хаста кўнглим чекмаган дарду  
балоси қолдиму?!

Спектаклда Бобурнинг газал-у, руబойлари, драматик воқеалар билан уйғунашиб, томошабинга шоирона рух эстетик гўзаллик, фалсафий мазмун ва гоявий теранлик бағишлайди. Бобур қалбида кечётган зиддиятли ўйлар — юрт ташвиши шоҳ ва шоир ўртанишларида опасига ва ёрига бўлган муҳаббати, дўстларга бўлган садоқати ва бошқа туйғуларни томошабинга етказиша шеърий мисралар асосий восиғи бўлиб ҳизмат қиласи.

Шунингдек, спектаклда Хонзодабегимнинг қалб кечинмаларига кенг ургу берилган. У меъмор Фазлиддин маҳфий тарзда чизган суратини томоша қиларкан беихтиёр кўнглида гўзал истаклар уйғонади, бири малика, бири оддий меъмор бўлса-да иккى ёшнинг соғ ва самимий муҳаббати, нафис сухбатлари томошабинни ҳаяжонга солади. Актриса Юлдуз Ражабова Хонзодабегимнинг нозик дунёси, аёллик латофатини сўз ва ҳолатлар орқали кўрсатиб, сирли қирраларини кашф этишига ҳаракат қиласи. Томошабин Хонзодабегимни жасур укаси учун ҳар нарсага тайёр ва эканлигини Шайбонийхонга никоҳланишидан аввалги саҳнасида

кўрамиз. Бобур билан бўлувчи видолашув саҳнасида фалакнинг шафқатсизлигига сўзсиз муносабат билдириши, укасининг ўтинчи, фарёдларини жим туриб тинглаши томошанинг авж нуқталарини белгилаб беради.

Бобур Йўлдошев Шайбонийхон образини талқин қиларкан, асосий эътиборини маккор, муғомбир ва золим ҳукумдор характерига қаратиш билан бир қаторда, Шайбонийхоннинг ўз ҳақиқати бор эканлигига эътиборни қаратади. Спектаклда қайсиидир маънода Шайбонийхонни оқламоқчи бўлади. Суна марказида турган дунё харитасини таҳлаб, саҳнани тарк этаркан, Шайбонийхон жаҳонда бемақсад, беиз яшагани, ўзи айтмоқчи, “разолатга ботган оламни поклаш учун тангри томонидан юборилган жазо қиличи” эканини айтади.

Роман ва спектакль бўйича Бобурнинг энг яқин дўсти, ҳаммаслаги, сирдоши меъмор Фазлиддин образини актёр Акбархўжа Расулов ижро этди. Гарчи оддий қавмдан бўлса-да, Бобур пинхоний дардларини, сир-асорларини айнан меъморга айтади, ундан маслаҳат ва кўмак сўрайди. Ҳақиқий дўстлик мансабу-мартаба, сарҳадучегара билмаслиги, қалби ва ботини яқин инсонлар мудом дўст тутиниши Бобур ва меъмор мулоқотларида ёрқин

акс этади. Шу боисдан Бобур шарафига Буротоғда обида қуриб чексиз қувончга тўлган пайтлари бамисоли ўз маблагини сарфлаб, дўстига тухфа ҳозирлаган кимсадек хурсанд бўлади ва Бобур ҳам бу янгиликни меъмор совғасидек қабул қиласи. Бизга маълумки, меъмор Фазлиддин асли тўкима образ. Бироқ бу спектаклда шу қадар чукур ўрин олганки, ҳақиқатдан ҳам тарихда шундай шахс яшаб ўтгандек таассурот уйғотади.

Спектаклда Назокат Нарзиева, Шахзод Эгамбердиев, Хуршида Арабшова, Феруза Норматова, Жўрабек Арзинев, Улуғбек Юнусов, Улуғбек Муҳаммадкаримов, Машхур Муҳторов, Озод Бекмуродов, Жаҳонгир Махкамовлар каби студиянинг ёш актёрлари турли образларда намоён бўлишди. Булардан энг эътиборлиси, Назокат Нарзиева ижросидаги Бобурнинг онаси Кутлуғ Нигорхоним сабру бардоши, қатъияти ва матонати билан ажралиб туради. Ҳатто турмуш ўртоғи Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлганни ҳақидаги совуқ ҳабарни эшитса-да ўзини ўйқотмай оғир сукутга чўкиши, тақдир хукмига рози бўлиб видолашув сари ўйл олиши спектаклинг эмоционаллигини оширади.

**Шаҳноза ҚОБИЛОВА,**  
**Театршунослик йўналиши**  
**2-босқич талабаси.**

## ТАЛАВАЛИК ЗАНГОРИ ФАСАЛИМ



### Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти  
Бош муҳаррир  
Озода БЕКМУРОДОВА

Таҳир ҳайъати:  
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА  
Ҳамдам ИСМОИЛОВ  
Антонино КОШЕЛЕВА  
Рашид УСНАТОВ  
Нафиса РАЙМКУЛОВА  
Муҳаррам БОЗОРОВА  
  
Масъул котиб  
Шавкат Дўстмуҳаммад

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улутбек тумани, Ялонҷоч мавзеси, 127 А уй  
Тел.: +99890 374-24-25;  
+99871 230-28-13  
www.dsml.uz; dsml\_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.  
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.  
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бопшармасида № 02-00166 рақами билан  
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида  
тайёрланди. Ўлчами — А3, ҳажми — 2 босма табоқ.  
Нусхаси — 1400 дона. Бахси келишилган нарҳда.  
Чоп этишга 27.01.2017 да топширилди.